

«Ўлимга тавба билан юзлангим келди»



08:00 / 08.02.2020 2442

Зухайр ибн Абу Атийя айтади: «Ўлим соати яқинлашгач, Аъло ибн Зиёд Адавий йиғладилар. Сабабини сўрашган эди, «Аллоҳга қасам, ўлимга тавба билан юзланмоқчи эдим», деб жавоб бердилар. «Бўлмаса шундай қилинг, Аллоҳ сизни раҳматига олсин», дейишди. У зот сув опкелтириб, таҳорат олдилар. Кейин янги кийим олиб келишни буюрдилар. Янги кийимларни кийдириб қўйишгач, ётган жойларида қиблага юзланиб, бошлари билан икки марта ишора қилдилар. Сўнг ухлашга ётгандай чалқанча ётдилар ва кўп ўтмай вафот этдилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан